O‘zbekiston Respublikasi
Andijon shahar
“ERKIN -AUDIT - XXI”
mas’uliyati cheklangan jamiyati

“ERKIN -AUDIT - XXI”
limited company
Andijan city
The Republic of Uzbekistan

Andijon shahar, Navoiy shox ko’chasi 33-uy, Tel/faxs: (374) 223-59-89, H/r 20208000104004480001,
ATIB Ipoteka bank, Andijon filiali, kodi 00059, INN 202613599, WWW.erkinaudit.uz mail: ekrinaudit@mail.ru

20 20 yil “ 10 ” июн

№ 011/А

«АНДИЖОН ДОРИ-ДАРМОН» Акциядорлик жамиятига

АУДИТОР ҲУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлигида 2007 йилнинг 23 октябрида 492-сон рақам билан қайта рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2019 йил 18 апрел санасида берилган “Ўзбекистон Республикаси худудида аудиторлик текширувини ўтказиш” ҳуқуқини берувчи 00829-сон лицензияси эгаси масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Erkin-Audit XXI» аудиторлик ташкилоти, Андижон шахар, Навоий кўчаси 33 уй, АТИБ “Ипотекабанк” Андижон бўлимии, хисоб рақами № 20208000104004480001 МФО 00059, ИНН 202613599, ОКОНХ 84400, томонидан, «АНДИЖОН ДОРИ-ДАРМОН» Акциядорлик жамиятининг, 2020 йилнинг 24 апрел санасидаги 08-04|20-сон аудиторлик хизмат курсатиш шартномасига асосан 2020 йилнинг 15 май санасидан 09 июнига қадар бўлган давр мобайнида аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Аудиторлик ташкилоти директори, аудитор Хусанов Ш.Б. 06.02.2001йил санасида берилган малака сертификати №00801 томонидан хўжалик юритувчи субъект «АНДИЖОН ДОРИ-ДАРМОН» Акциядорлик жамиятининг Молиявий хисоботлари №1 «Баланс», №2 «Молиявий натижалар » ,№3 «Пул окимлари » ,№4 «Хусусий капитал» дан иборат 2019 йил 31 декабр ҳолатига тузилган молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «АНДИЖОН ДОРИ-ДАРМОН» Акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча «АНДИЖОН ДОРИ-ДАРМОН» Акциядорлик жамиятининг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

"ERKIN-AUDIT-XXI" МЧЖ
Аудиторлик ташкилоти директори,
Халқаро Сертификат (CAP) ,СПБ. Ш.Б. ХУСАНОВ

Андижон шахри 2020 йил 10 июн